

ЎРТА АСРЛАР МУСУЛМОН ШАРҚИДА АРХИТЕКТУРА ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ РИВОЖИ

Zaynab Komiljonova

*Xadichai Kubro" ayol-qizlar o'rtasidagi
islom ta'lim muassasasi ma'naviy-ma'rifiy
ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari*

Аннотация. Мазкур мақолада Ислом сивилизациясининг санъат ва маданият соҳасидаги ўрни ҳамда унинг жаҳон тамаддуни ривожига кўрсатган таъсири таҳлил қилинади. Ислом санъати фақат безак ёки кўнгилочар восита сифатида эмас, балки илоҳий ҳикматни ифода этувчи ва инсон руҳиятини сайқалловчи маънавий-эстетик тизим сифатида ёритилади. Мақолада мусулмон меъморчилиги, хусусан, дастлабки даврлардан бошлаб Умавийлар, Аббосийлар, Темурийлар ва Усманийлар даврига бўлган меъморий мактабларнинг шаклланиши ҳамда уларнинг ўзаро таъсири таҳлил этилади. Шунингдек, тасвирий санъатга нисбатан исломий қарашларнинг тарихий, диний ва маданий асослари ёритилиб, нақш, ҳаттотлик, миниатура ва геометрик безаклар орқали мусулмон эстетик тафаккурининг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилади. Тадқиқотда шунингдек, исломдаги санъатга доир тақиқларнинг асл сабаблари, уларнинг тарихий контекстдаги аҳамияти ва ижодий ривожга туртки берган жиҳатлари илмий асосда таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Ислом сивилизацияси, мусулмон санъати, меъморчилик, тасвирий санъат, нақш, ҳаттотлик, миниатура, маънавият, эстетик тафаккур, диний қарашлар, Темурийлар даври, Умавийлар, Усманийлар, Аббосийлар.

Ислом дини нафақат эътиқодий, балки бутун инсоният маданияти ва цивилизацияси ривожига улкан таъсир кўрсатган маънавий-ахлоқий тизим сифатида ҳам намоён бўлади. Ислом цивилизациясида илм, нафосат, адолат, инсонпарварлик ва маърифатга интилиш каби қадрият ҳамда тамойиллар марказий ўринни эгаллаб, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва эстетик соҳаларни қамраб олган ҳолда маънавият ва гўзалликни уйғун талқин этади. Исломда санъат фақат безак ёки кўнгилочар восита сифатида эмас, балки борлиқнинг ҳикмати ифода этиш ва инсоннинг руҳий олами сайқаллаш воситаси сифатида қаралади. Мусулмон маданиятида меъморчилик, ҳаттотлик, мусиқа, адабиёт, миниатюра ва халқ амалий санъати каби йўналишлар маънавий гўзалликни ифода этиш, инсонни эзгуликка, камолотга чорлашда муҳим ўрин тутган.

Мусулмон маданияти ва санъати жаҳон тамаддунининг ажралмас таркибий қисми сифатида шаклланган бўлиб, у инсон тафаккури ва ижодий салоҳиятининг юксак намоён бўлиши билан тавсифланади. Ислом цивилизацияси доирасидаги маданий жараёнлар архитектура, тасвирий санъат, мусиқа, хаттотлик, адабиёт ва амалий ҳунармандчилик каби соҳаларда ўзига хос услубий йўналишлар ва бадиий анъаналарни вужудга келтирган. Бу йўналишларнинг ҳар бири муайян тарихий босқичларни босиб ўтиб, исломий дунёқараш, эстетик идеал ва маънавий қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожланган.

Архитектура. Исломда санъат ва маданиятнинг ўрни ҳақида гап кетганда ўрта аср Мусулмон Шарқининг Мовароуннаҳр, Миср, Шом, Ироқ, кейинроқ Шимолий Ҳиндистон ва Туркия ҳудудлари намоён бўлади¹. Мусулмон Ғарби ҳисобланган Мағриб давлатлари (Шимолий Африка), Андалус, Сицилия ҳудудларида ўзига хос кўринишдаги архитектура ва бадиий безак турлари вужудга келиб, европаликлар бунини умумлаштирган ҳолда “мавритан маданияти” деб номлайдилар. Мисрда ўзига хос қалъасимон услубда қурилган масжид ва бошқа бинолар гарчи мамлуклардан олдин қурилганлари ҳам мавжуд бўлсада, мамлук меъморичилиги, деб номлана бошлаган. Чунки, Мисрнинг кўпгина исломий меъморий иншоотлари мамлуклар даврида реконструкция қилинган ва яхлит кўриниш касб эта бошлаган².

Дастлабки мусулмон архитектураси оддийлик ва функционаллик билан ажралиб турган. Бу давр меъморичилигининг асосий хусусияти ташқи безак ва мураккаб шаклларга эмас, балки маънавий мазмун ва илоҳий ғояни ифода этишга йўналтирилганидир. Исломнинг энг улуғвор меъморий рамзи бўлган Каъба биноти мусулмон меъморичилигининг энг қадимий намунаси сифатида минимализм тамойилларини акс эттириб, куб шаклида қурилган деразасиз ва ягона эшиги бурчагида жойлашган иншоот содда тузилиши билан ажралиб туради. Унинг бу кўриниши шакл ва безакдан кўра маънони устун қўйиш тамойилини ифода этади.

Мадинадаги илк исломий иншоотлар – масжидлар ҳам айни соддалик ва функционалликка асосланган бўлиб, уларнинг меъморий ечимларида ташқи безаклардан кўра қулайлик ва жамоавий яхлитликни таъминлаш мақсади устувор бўлган. Шу тариқа, ислом архитектураси дастлабки босқичларда мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойилига суянган ҳолда ривожлана бошлаган.

Халифа Усмон ибн Аффон ҳукмронлиги даврида (644–656 й.) ислом меъморичилиги янги босқичга кўтарилди. Унинг ташаббуси билан Макка ва Мадинадаги асосий масжидлар қайта қурилиб, уларнинг меъморий тузилиши

¹ Ettinghausen, R.; Grabar, O.; Jenkins-Madina, M. *Islamic Art and Architecture: 650–1250*. – New Haven; London: Yale University Press, 2001. – 448 p.

² Blair, S. S.; Bloom, J. M. *The Art and Architecture of Islam: 1250–1800*. – New Haven; London: Yale University Press, 1994. – 648 p.

мукаммаллаштирилди. Бу жараёнда Византия билан тузилган келишув асосида тош йўнувчи ва бинокор усталар чақирилиб, масжидлар илк бор ўз даври учун илғор ҳисобланган қурилиш технологиялари асосида реконструкция қилинди. Мазкур ишлар натижасида мусулмон архитектурасида янги меъморий услублар ва конструктив ечимлар шакллана бошлади ҳамда ибодат масканлари нафақат диний, балки маданий-маънавий марказ сифатида ҳам ривожланиш йўлига қадам қўйди³. Ҳозирги кунда Усмон ибн Аффон халифалиги даврида амалга оширилган қурилиш ишларидан сақланиб қолган ягона меъморий намуна сифатида Маккадаги Ҳарам масжидини ўраб турган “Равоқи Усманий” айвонлари тилга олинади. Ушбу айвонлар нафақат ислом меъморчилигининг илк босқичларига хос соддалик ва мутаносибликни намоён этади, балки халифа Усмоннинг масжидни кенгайтириш ва обод этишдаги бунёдкорлик сиёсати ҳам гувоҳлик беради. “Равоқи Усманий”лар кейинги асрларда юзага келган кўплаб исломий архитектура анъаналарининг, хусусан ёйсимон арка, айвон каби асосий услубий йўналишларига илҳом манбаи бўлган.

Бошқа цивилизацияларнинг илғор ютуқларини ўзлаштириш ва уларни исломий меъморий анъаналар билан уйғунлаштириш жараёни кейинги даврларда ҳам изчил равишда давом этди. Бу борада айниқса Византия (юнон) меъморчилик мактаби билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди. Византия ўртасида тузилган сулҳ битимларида фақат ҳарбий ёки сиёсий шартларгина эмас, балки қурилиш ва меъморчилик соҳасидаги маданий ҳамкорлик масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бу ҳамкорлик натижасида ислом меъморчилигида юнон анъаналари билан маҳаллий услубларнинг уйғунлашуви учун замин яратилган. Дамашқдаги “Умавийлар жомеси” ҳам аслида грек-визант архитектураси намуналари қаторига киради. Чунки, бу масжид дастлаб Юҳанно ал-Қиддийс (Яхё а.с.) черковининг биноси бўлиб, кейинчалик умавийлар ва Византия ўртасидаги келишув шартларига кўра юнон усталари томонидан масжидга мослаштириб қайта қуриб берилган. Масжид юнон мозаикаси ва зарҳаллаш усулида ўсимликсимон нақшлар билан безатилган илк исломий иншоотлардан биридир⁴.

Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларида дастлабки исломий меъморчилик намуналарида энг кўп ишлатиладиган хом-ашё тури тупроқ бўлган. Шу боис, бу даврда барпо этилган кўплаб иншоотлар вақт ўтиши билан вайрон бўлиб кетган ва уларнинг асл кўринишига оид меъморий излар деярли сақланмаган. Нисбатан кейинги даврларда, яъни IX-X асрларда бу ўлкаларда пишиқ ғишт ишлаб чиқариш ва қўллаш кенг ёйилиши натижасида янги

³ Omer, S. *An Analysis of the Expansion of the Prophet's Mosque by Caliph 'Uthman b. 'Affan*. – In: *Al-Shajarah: Journal of the International Institute of Islamic Thought and Civilization (ISTAC–IIUM)*. – Vol. 23, No. 1, 2018. – P. 35–60.

⁴ Hillenbrand, R. *Islamic Architecture: Form, Function and Meaning*. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 1995. – 624 p.

меъморий анъаналар шаклланди. Пишиқ ғишт ва қисман тошдан қурилган, устки қисми кошин ва сирланган безаклар билан қопланган иншоотлар учун хос бўлган ушбу услуб илмий адабиётларда “эроний услуб” деб аталади⁵.

Мовароуннаҳрда сақланиб қолган энг қадимги пишиқ ғишдан қурилган бино Сомонийлар мақбараси ҳисобланади. Мовароуннаҳр ва Эрон услубининг фарқи Мовароуннаҳрда кошинлар ишлатмай ғишнинг ўзидан безак сифатида фойдаланиш кенг тарқалган. Бунга мисоллар муғуллар босқинига қадар ва бироз кейинги даврда қурилган архитектура ёдгорликларини (Сомонийлар мақбараси, Арслонхон, Жарқўрғон миноралари, Кўҳна Урганч ва б.) келтириб ўтиш мумкин⁶. Биноларни кошин билан безатиш Амир Темур ва темурийлар давридан бошлаб урф бўла бошлаган. Темурийлар даври ва ундан кейинги даврлар архитектураси намуналарининг деярли барчасида кошинлар билан безатилган биноларни кўриш мумкин. Шимолий Ҳиндистонда асосий хом-ашё тош бўлгани сабабли тошдан қурилиб, тошга ўйиб безалган масжид-мадрасалар қаср-кўшклардан иборат. Бу ердаги энг қадимий исломий архитектура намунаси “Ой бўлиниши” масжиди бўлиб, ривоятларга кўра маҳаллий маҳарожалардан бири ойнинг бўлиниши воқеасини кузатиб, бунинг сабабини аниқлаштиргач исломни қабул қилиб, ибодатхона қурдиради. Ҳозирда бу ёдгорликни реконструкция қилиш ишлари муҳокама қилинмоқда. Ҳинд архитектурасининг мухташам намуналари Қутб-минор ва Тож-маҳалларда яққол намоён бўлади⁷. Туркия архитектураси Византия меъмorchилигининг илғор ютуқларини қамраб олиб, бойитиб, исломий тус берган ўзига хос намуналарга эга. Византиядаги илк катта жоме масжиди собиқ черков – Аё София экани кейинги қурилган масжидларнинг ташқи кўринишида кучли таъсир кўрсатди. Туркларнинг асосий меъмори султонлар олдида катта эътиборга эга бўлган Меъмор Синон арман миллатига мансуб бўлган. Туркия архитектурасига Аё Софияда илк бор қўлланилган услуб – ётиқ гумбазли тошдан қурилган масжидлар хос⁸.

Ақсар ҳолларда мусулмонлар ўзларидан аввалги халқлар ва дин вакиллариининг иншоотларидан фойдаланиш, уларнинг эришган ютуқларини ўзлаштириб, ҳатто бойитиб беришгани – мусулмонларнинг умуминсоний маданият ривожигаги улкан хизматларидан биридир (Ettinghausen, Grabar, & Jenkins-Madina, 2001). Мусулмонлар ҳеч қачон мўғуллар каби эгалланган

⁵ Blair, S. S.; Bloom, J. M. *The Art and Architecture of Islam: 1250–1800*. – New Haven; London: Yale University Press, 1994. – 648 p.

⁶ Jarrar, S.; Riedlmayer, A.; Spurr, S. *The Architecture of the Islamic World: Its History and Social Meaning*. – London: Thames & Hudson, 1994. – 288 p.

⁷ Ettinghausen, R.; Grabar, O.; Jenkins-Madina, M. *Islamic Art and Architecture: 650–1250*. – New Haven; London: Yale University Press, 2001. – 448 p.

⁸ Blair, S. S.; Bloom, J. M. *The Art and Architecture of Islam: 1250–1800*. – New Haven; London: Yale University Press, 1994. – 641 p.

худуддаги ноёб бинолар ва шаҳарларни вайронага айлантириб, талон-тарож қилишмаган⁹.

Тасвирий санъат. Тасвирий санъат ҳақида сўз кетганда, аввало исломдаги турли хил таъқиқлар ва чекловлар, уларнинг асослари ҳақидаги фикрлар ёдга тушади. Бироқ, бу масала бир қадар мураккаб бўлиб, унинг мазмунини фақат таъқиқ нуқтаи назаридан баҳолаш тўлиқ ва холис ёндашув ҳисобланмайди. Аслида, ислом тасвирий санъатни мутлақ рад этмаган, балки унинг мазмуни ва мақсадини маънавий мезонлар билан чеклаган. Шу боис ислом цивилизациясида нақш, хаттотлик, геометрик шакллар асосидаги безак санъати жуда юқори даражада ривожланиб, ислом эстетикасининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Шундай бўлса-да, масалага холис ва илмий ёндашиш учун, аввало, ислом динининг бирламчи манбаларига мурожаат қилиш зарур. Хусусан, Қуръони каримнинг Сабо сураси 11 оятида Сулаймон пайғамбар даврида жинларнинг шаҳар, қасрлар ва ибодатхона қурилишида иштирок этгани баён қилинган. Қизиғи шундаки, жинлар меҳроблар ва катта ҳажмдаги турли идишлардан ташқари ҳайкаллар ҳам яшашга буюрилган:

Улар у хоҳлаган нарсаларни — меҳроблар, ҳайкаллар (تَمَائِيل), ҳовузлардек лаганларни ва ўрнашган қозонларни қилиб берардилар.

Қуръонда зикр этилган мазкур оятда Сулаймон даврида ҳайкаллар ясалгани ҳақида маълумот берилган, бироқ унга бирор таъқиқловчи муносабат билдирилмаган. Фаразан, ҳайкал яшаш амалиётининг ўзи моҳиятан ширк ёки таъқиқланган ҳаракат сифатида баҳоланганида, бундай фаолият пайғамбар буйруғи остида амалга оширилмаган бўлар эди. Эътиборли жиҳати жонли нарсанинг суратини яшаш Тавротда ҳам таъқиқлангани ҳолда, Сулаймон пайғамбарнинг бу иши хусусида муносабат билдирилмаган. Яъни, у ерда ҳам бинони безатиш учун ҳайкаллардан фойдаланилгани факт сифатида келтириб ўтилган холос (The Muslim Artist's Conflict: Figurative prohibition in Islam, 2021).

Ҳадиси шарифда бутпарастликнинг келиб чиқиши аслида бир қавмнинг яхши одамлари ўтиб кетганидан сўнг, қавм уларни эслаб туриш учун турли ҳайкаллари ясаб, аста-секин эҳтиром кўрсата бошлаши натижасида ҳосил бўлгани айтилган¹⁰. Яъни эътибор берилса, бу ўринда ҳам ҳайкалнинг ясалиши эмас, айтиш мумкин ҳайкалларга бўлган носоғлом муносабати қораланган¹¹. Зотан, бутпарастликка берилган қавмларга сиғинаётган бутлари юксак даражадаги санъат асари бўлиши шарт эмас. Жоҳилият давридаги санамларнинг

⁹ Blair, S. S.; Bloom, J. M. *The Art and Architecture of Islam: 1250–1800*. – New Haven; London: Yale University Press, 1994. – 652 p.

¹⁰ Spahic, O. *The Islamic Prohibition of Statues and Images: An Analysis of the Underlying Wisdom*. – Kuala Lumpur: IIUM Press, 2019. – 15 p.

¹¹ **The Religious Prohibition Against Images**. – In: *The Islamic Awareness Series*. – [S.l.]: Islamic Awareness, n.d. – URL: <https://www.islamic-awareness.org/> (дата обращения: 08.10.2025).

аксарияти сал бошқачароқ шакли ёки ранги билан ажралиб турувчи оддий тош ва ёғочлардан иборат эди. Масалан Ибн ал-Калбийнинг “Китобу-л-асном” асарида келтирилишича Лот санами Тоиф атрофидаги тепаликлардан бирига ўрнатилган оқ рангдаги узунчоқроқ тош бўлган. Уззо эса қабилалар муқаддас, деб биладиган бир дарахт кўринишида бўлиб, саҳобий Холиб ибн Валид (р.а.) уни кестириб ташлаган ва шу билан унга сиғиниш барҳам топган¹². Демак, жоҳилиятнинг санамлари умуман шаклсиз бир модда ёки жонсиз нарса (дарахт) бўлгани ҳолда ҳам бутпарастларни уларга сиғинишдан тўхтата олмаган. Ҳозирги кунга қадар жаҳоннинг айрим ҳудудларида, жумладан Марказий Африка ва Жануби-Шарқий Осиёнинг баъзи минтақаларида ибтидоий эътиқод шакллари сақлаб қолган қабилалар орасида фетишизм анъаналари мавжуд. Бундай жамоаларда фетиш объекти сифатида кўпинча табиатда учрайдиган оддий тош, таёқ ёки бошқа жисмлар муқаддас деб қаралади. Бироқ бу ҳолатда уларнинг муқаддаслиги моддий шаклнинг ўзида эмас, балки уни қабул қилувчи жамоанинг эътиқодий қарашларида намоён бўлади. Бошқа дин вакилларига эса бу жисмлар ҳеч қандай маъно касб этмайди. Шу нуқтаи назардан, тасвирий санъатнинг ўзи бутпарастликка сабаб бўлади, деган фикр илмий жиҳатдан тўлиқ асосланган деб бўлмайди. Зеро, тасвир ёки шакл ифода воситаси сифатида бетараф ҳодисадир. Зотан, Тасвирий санъат ривожланиш даражаси паст бўлган ёки бадиий ифода анъаналари шаклланмаган ибтидоий жамоаларда бутпарастлик ҳали-ҳануз мавжуд.

Исломнинг тасвирий санъатга нисбатан нейтрал муносабати мусулмонларнинг илк даврлардаги амалий намуналарида ҳам ўз ифодасини топган. Мисрга ислом хулафои рошидун давридаёқ саҳобий Амр ибн Ос (р.а.) бошчилигида кириб келган бўлсада, у ерда мавжуд бўлган турли ҳайкаллар, Сфинкс ва бошқа инсон тасвири туширилган иншоотларга мутлақо тегилмагани ва зарар етказилмаганидан ҳам илк исломнинг бу борадаги ёндошувини англаб олиш қийин эмас¹³. Мисрнинг аксарият ҳайкалтарошлик намуналари анча кейин, француз мустамлакачилари томонидан катта талофат етказилиб, имкон топилганлари Европанинг турли музейларига ташиб кетилди. Хусусан, бутун оламга машҳур Сфинкс ҳайкалининг юз қисми шахсан Наполеон Бонапартнинг буйруғига кўра тўпга тутилган¹⁴.

Шу билан бирга, илк ислом даврида мусулмонларни жонзотлар суратини чизишдан тўсилганини объектив тарих ва ижтимоий контекстда баҳолаш лозим. Чунки, қатъий чекловларсиз эндигина бутпарастликдан яккахудолик томон юз

¹² Ibn al-Kalbī, Hishām ibn Muhammad. *Kitāb al-Asnām* / Ed. by Ahmad Zaki Pasha; Trans. by Nabih A. Faris. – Princeton: Princeton University Press, 1952. – 88 p.

¹³ Islam's Prohibition of Drawing Images and Erecting Statues. – *The Religion of Islam Portal*. – 2019. – URL: <https://www.islamreligion.com/> (дата обращения: 08.10.2025).

¹⁴ Demystifying Arab Views of Ancient Egypt. – *Arab World Studies Journal*, 2021. – Vol. 18, No. 3. – P. 45–57.

бурган турли араб қабилалари ўзларининг эски одатларини тўлалигича тарқатмасликлари эҳтимоли бор эди¹⁵. Шунинг учун иллатни буткул йўқотиш учун унинг сабабларини узиш-кесил таъқиқлаш мақсадга мувофиқ қўрилган. Бу ёндошув ўз даврида ўзини оқлади ҳам. Кейинчалик иллатнинг ўзи йўқолгач, мусулмон жамиятида тасвирий санъат борасида бир қатор енгилликлар вужудга келганини қўриш мумкин¹⁶. Мисол учун баъзан жонзотларнинг сурати чизилишига уларнинг сояси қўшиб чизилмаслиги шарти билан рухсат берилган. Ёки ўта реалистик кўринишда чизмасдан, фақатгина иллюстрация, яъни изоҳли бадий безак тарзида чизилган миниатюра жанрининг ҳам ривож топганини қўриш мумкин¹⁷. Бу суратларда кўпинча тасвирнинг айнанлаштирилишидан қочишни кузатиш мумкин. Масалан Каъбанинг сурати чизилган миниатюраларда унинг эшиги одатда бино четида эмас, деворнинг ўртасида тасвирланган. Буни рассомнинг балки Каъбани аслиятда кўрмасдан ҳаёлан чизгани билан ҳам изоҳлаш мумкиндир. Одамлар суратини чизганда ҳам анатомик жиҳатларга унча эътибор қаратилмаган, суратлар икки ўлчамли қилиб чизилган, баъзан узоқдаги предмет ёки шахс яқиндагисидан каттароқ тасвирланган. Бунинг сабабини тасвирланган шахс ёки предметнинг аҳамияти белгилаб берган. Дарахтлар, деворлар, одамлар тик ҳолда, ҳовузлар, хонтахта ва бошқа ётиқ жисмлар ётиқ ҳолда тепадан кўриниши акс эттирилган. Биноларнинг умумий композицияда катта кичиклигига эътибор қаратилмаган. Кейинчалик бу ҳолатлар жанр хусусияти сифатида талқин қилина бошлади.

Исломнинг дастлабки давларида жонли нарсаларнинг суратини тасвирлаш таъқиқлангани туфайли бадий безак асосан “жамомот” яъни ўсимликлар ва табиат манзараларидан иборат эди¹⁸. Бунинг ёрқин мисолини “Умавийлар жомеси” безакларида қўриш мумкин. Иккинчи безак тури “тирих” – геометрик симметрияга эга шакллар, панжарасимон безаклар бўлиб, кейинчалик бу икки йўналишнинг бирлашишидан симметрик ўсимликсимон нақшлар вужудга келди – янги санъат тури пайдо бўлди¹⁹. Бу нақшлар ёғоч ўймакорлигида ҳам ўз аксини топди. Бошқача қилиб айтганда ҳатто муайян даражадаги таъқиқлар ҳам санъат ривожини учун маҳсулдор ўрин тутди. Сўнгги умавийлар ва аббосийлар даврида айрим жонли нарсаларнинг тасвирлари учрай бошлади²⁰. Аббосийлар таъқибидан қочиш Андалусда амирликка асос солган умавийлар қурдирган

¹⁵ Эльассаль, М. А. Исламское искусство и его особенности // *Islamic Arts Magazine*. – 2022. – № 4. – С. 45–58.

¹⁶ **Figural Representation in Islamic Art** // *Metropolitan Museum of Art* [Электронный ресурс]. – 2000. – Режим доступа: https://www.metmuseum.org/toah/hd/figs/hd_figs.htm (дата обращения: 08.10.2025).

¹⁷ **The Muslim Artist's Conflict: Figurative prohibition in Islam** // *Al-Islamic Review*. – 2021. – Т. 12, № 3. – С. 78–90.

¹⁸ Grabar, O. *The Formation of Islamic Art*. New Haven; London: Yale University Press, 1987. – 256 p.

¹⁹ Bloom, J. M.; Blair, S. S. *Islamic Arts*. London: Phaidon Press, 2003. – 412 p.

²⁰ Ettinghausen, R.; Grabar, O.; Jenkins-Madina, M. *Islamic Art and Architecture: 650–1250*. New Haven; London: Yale University Press, 2001. – 448 p.

саройлардан биридаги “шерлар ҳовлиси”да фонтан доира шаклида тизилган шерларнинг ҳайкаллари кўринишида тошдан ишланган. Темурийлардан кейинги давр Мовароуннахр архитектурасида ҳам – Шердор мадрасаси, Нодир девонбеги мадрасаси, Хожа Аҳрор мажмуаси пештоқларида шер, йўлбарс, қашқир, кийик, семурғ тасвирлари жой олган²¹.

Ҳадисларда Пайғамбар (с.а.в.) даврида болалар ўйинчоқлари тойчоқ, қуш каби тасвирларга эга бўлгани ҳақида ривоятлар бор²². Тасвирга эга буюмларни ҳам ташлаб ёки йўқ қилиб юбормай, турмушда фойдали – тўшак, ёстиқ сифатида фойдаланилгани ҳақида ҳам ҳадислар бор²³. Шуларни ҳисобга олиб, кўпгина замонавий уламолар табиат манзаралари, турли маданий ёдгорликларни чизишга ва безак беришга рухсат берадилар²⁴. Шунингдек, ёш болалар ўйинчоқларини ясашда жонли нарсаларни тасвирлашга ҳам рухсат берилган. Фақат мазкур буюмлар ёки суратлар инсонга хизмат қилувчи, эстетик завқ берувчи воситалар эканини унутмаслик, уларга ортиқча эҳтиром ёки носоғлом муносабат шаклланишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, дейдилар.

²¹ Golombek, L.; Subtelny, M. *Timurid Art and Culture: Iran and Central Asia in the Fifteenth Century*. Leiden; New York: Brill, 2007. – 375 p.

²² al-Bukhari, Muhammad ibn Ismail. *Sahih al-Bukhari*. Beirut: Dar al-Fikr, ḥadīth no. 6130

²³ Muslim, Ibn al-Hajjaj. *Sahih Muslim*. Beirut: Dar al-Fikr, ḥadīth no. 2107

²⁴ al-Qaradawi, Yusuf. *The Lawful and the Prohibited in Islam (al-Halal wal-Haram fi al-Islam)*. Indianapolis: American Trust Publications, 1997. – 358 p.